

200 литр сув ишлатар эканмиз



11:00 / 01 февраль 2565

Австралияда қадоқланадиган ушбу маҳсулот этикеткасига “Оқиб турган дарё бўйида бўлсанг ҳам, сувни исроф қилма!” деб ёзилиб, остига “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам” деб ёзиб қўйилган.

Ҳадиснинг асл матни мана бундай:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхунинг таҳорат олаётиб сувни меъеридан ортиқ ишлатганларини кўриб қолдилар.

- Ҳой, Саъд! Бу қандай исрофгарчилик? – дедилар.
- Эй Аллоҳнинг Расули, таҳоратда ҳам исроф бўлурми? – сўради Саъд розияллоҳу анху.
- Ҳа, ҳатто оқиб турган дарёнинг ёқасида бўлсанг ҳам, дедилар Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи васаллам.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат учун бир муд (тахминан 700 грамм) миқдордаги сув ишлатган бўлсалар, ғусл учун уч муд (тахминан 2 литр) миқдорда сув ишлатганлар. Бизчи? Биз таҳорат учун сув жўмрагини очиб қўйиб бир дақиқада 15 литр атрофида сув ишлатамиз. Агар таҳоратни икки дақиқа давомида қилсак, ишлатилган сув миқдори 30 литрни ташкил этади. Ғусл асносида душдан тўхтовсиз сув тушиши натижасида 180-200 литр атрофида сув ишлатилади. 2 литр сув қаердаю 200 литр сув қаерда?

Азизлар, сувни тежаб ишлатайлик!

Баъзан кўча, маҳалла гузарларида жўмракдан сув оқиб ётганига гувоҳ бўламиз. Бирор кишининг хаёлига ўша жўмракни созлатиб қўйиш фикри келмайди. Ҳатто томчилаб оқиб ётган тақдирда ҳам ўша томчилар тўпланиб, каттагина сув миқдорини ташкил этади. Сувсизликдан қийналаётган инсонлар кўпчиликини ташкил этишини унутмайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни сувни исроф қилмай, тежаб ишлатадиган бандаларидан қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.